Иқтисодиёт вазири ўринбосари Ш.Н. Файзуллаевнинг «Бизнесни юритиш» тадқиқотида Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар тўғрисидаги Меморандум» мавзусидаги «давра суҳбати»даги

КИРИШ СЎЗИ

Ҳурматли Фруман хоним,

Халқаро ташкилотларнинг вакиллари, давра суҳбати қатнашчилари!

Барчангизни Иқтисодиёт вазирлигида кўриб турганимдан мамнунман.

Аввало, Халқаро молия корпорацияси ва Жаҳон банки гуруҳига Ўзбекистон Республикасида қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратишда яқиндан ҳамкорлик қилиб, доимий қўллаб-қувватлаб келаётганлиги учун ўз миннатдорлигимни билдираман.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, Ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, сўнгги 5-6 йил ичида илғор хорижий тажрибани ўзлаштириш соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ривож топди. Бу эса сезиларли даражада тадбиркорлик соҳасида кераксиз рухсат бериш тартиботларини қисқартириш, уларни расмийлаштиришга кетадиган вақт ва харажатларни камайтириш имконини берди.

«Бизнесни юритиш» жамоаси экспертлари билан видео конференция алоқаси, фикр-мулоҳазалар алмашинуви, мутахассислар билан тўғридан-тўғри учрашувлар орқали ўзаро яқин ҳамкорликни янада яхшилаш, мамлакатда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар билан янада чуқурроқ таништиришга имкон яратди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, сўнгги 4 йилда республикада Жаҳон банки ҳамда унинг бўлинмаси бўлган Халқаро молия корпорацияси томонидан қабул қилинган «Бизнесни юритиш» ҳисоботини шакллантириш методикасига мувофиқ ишбилармонлик муҳити ҳолатини омиллар асосида мамлакат рейтингини белгилаб берадиган баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Ушбу ишларнинг асосида «Бизнесни юритиш» рейтингида баҳоланадиган асосий йўналишлар бўйича қонунчиликни тубдан такомиллаштириш борасида ислоҳотлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилди.

Натижада, Жаҳон банкининг «Бизнесни юритиш» сўнгги ҳисоботида 189 та давлат ичида Ўзбекистон фақат бир йилнинг ўзида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади. Шу билан бирга, Ўзбекистон 2014-2015 йилларда бизнес

юритишни енгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар бўйича етакчи ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

Мамлакатда «Бизнесни юритиш» ҳисоботидаги Ўзбекистон Республикаси кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда, чунки хорижий хусусий сармоядорларнинг кўпчилиги мамлакатга инвестиция жалб қилаётганда ушбу рейтингга таяниб қарор қабул қиладилар.

Шу маънода, бизнинг ҳамкорлигимиз тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун давлат ҳизматларини кўрсатиш билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни янада такомиллаштириш ҳамда муддатларини қисқартиришга қаратилган.

Шу билан бирга, «Бизнесни юритиш» индикаторларини тузиш услубларини тўлиқ тушуниш Ҳукуматга тадбиркорлик фаолиятининг муайян соҳасида самарали қарор чиқариш имконини беради.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати илтимосига кўра Халқаро молия корпорацияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Бизнесни юритиш» ҳисоботидаги кўрсаткичлар бўйича ислоҳотлар тўғрисида Меморандум тайёрланган.

Бугунги давра суҳбати давомида, биз Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, шунингдек «Бизнесни юритиш» татқиқотларида Ўзбекистон кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган ислоҳотлар бўйича тавсияларни муҳокама қилмамиз, ва мавжуд бўлган барча саволларга батафсил тушунтиришлар ва жавоблар олишга умид қиламиз.

Шу билан бирга, ўтказилаётган ушбу тадбир имкониятларидан фойдаланиб ва юқори даражада самара олиш мақсадида, шу ердаги барча қатнашувчиларни савол ва жавоблар билан фаол иштирок этишга чақираман.

Тошкент ш.
2016 йил 22 январь